




ТОШКЕНТ



О'QSHO'LI

XXI аср садоқи
Барча манбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **КЕЧА** МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ГЎШАЛАРИДА ЭЗГУЛИК ВА НАФОСАТ АЙЁМИ НАВРЎЗИ ОЛАМ КАТТА ШОДИЁНАЛИК БИЛАН НИШОНЛАНДИ. АНА ШУ ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОР БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН КЎПЛАБ ЯНГИ ИНШООТЛАР Фойдаланишга топширилди, маданий ва хайрия тадбирлари ўтказилди.

● Ўзбекистонда нишонланган Наврўз байрами шодиёналарини йўлдош телевидениеси шарофати билан жаҳоннинг 50 дан зиёд мамлакат аҳолиси томоша қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлиши муносабати билан табрикнома келди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Франция Президенти Жак Ширакдан Франция Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлиши муносабати билан келган табрикномада самимий дил сўзлари изҳор этилади.

● Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонасида Ўзбекистон билан Россия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганига ўн йил тўлиши муносабати билан ўтказилган учрашувда икки мамлакат ўртасидаги товар айланиши ҳажми 2001 йил якунлари бўйича 1 миллиард 129 миллион АҚШ долларини ташкил этганлиги таъкидлаб ўтилди.

● Тошкентда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси очилганлигининг 10 йиллигига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Эдвард Хёрбст ва Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комиллов иштирок этдилар. Маълумки, АҚШ мустақил Ўзбекистонда дипломатик миссиясини бошлаган биринчи мамлакат бўлган эди.

● Тошкентда очилган француз маданий маркази Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги икки томонлама муносабатлари мустақамлашда яна бир муҳим қадам бўлди.

● **Бугун** пойтахтимизда янги «Шайхонтоҳур-текстиль» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси очилди.

● Наманганда қарийб 40 гектарлик майдонни эгаллаган «Ешлар мажмуи» қурилиши бошланди. Уни мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига нишонланганига кўнга қадар қуриб битказилиши режалаштирилган.

● Қаршида ўқув маркази ва автосервисга эга бўлган янги «Жайхун» мажмуи фойдаланишга топширилди.

● Нукусда шойлиқ тиббий ёрдам кўрсатадиган марказ аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

● Ангрэн ҳокимлиги деҳқон бозори ҳудудига савдо ва маиший хизматлар кўрсатадиган янги мажмуани бунёд этишга қарор қилди. Ҳозир бу ерда кенг қўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

● Андижонда июн-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида навбатдаги мамлакат биринчилиги низоҳосига етди. Мусобақаларда 110 нафар курашчи қатнашди. Умумжамоа ҳисобида тошкентликлар биринчи бўлишди.

● Шу йилнинг май ойида ўтказилган «Универсиада-2002» мусобақаларига ҳозирлик қўриладиган Бухорода ўсмирлар ўртасида эркин кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги яқунланди.



Жаҳонда

● Москвада Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган янги «Матиз» автомобили тақдими зўр муваффақият билан ўтказилди.

● Япония пойтахтидан унча узоқ бўлмаган Чива шаҳрида халқаро озик-овқат маҳсулотлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Йигирма еттинчи марта ўтказилган ушбу кўргазмада жаҳоннинг 74 мамлакатидан озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган 2 мингдан зиёд фирма, компания ва корхоналар қатори МДХ давлатлари ўртасида ягона Ўзбекистон Республикаси ўз маҳсулотлари намуналари билан қатнашиб катта доврққа эришди.

● Россия Федерациясининг Марказий банки раислиги лавозимига Сергей Игнашев таъинланди.

● Исроил ва Фаластин хавфсизлик хизмати вакиллари АҚШнинг Яқин Шарқдаги махсус вакили Энтони Зинни иштирокида уч соатлик музокара олиб бордилар. Аммо Тель-Авивдаги бу учрашув пайтида томонлар қуролли ҳаракатларга барҳам бериш борасида бирон келишувга эриша олмаганлар.

● Зимбабве муҳолифатининг етакчиси Морган Цвенгерайга мамлакат ҳукуматида қарши фитнада давлатга ҳиётан қилганлиги ва Президент Мугабега суиқасд тайёрлашдаги айб қўйилди. Худди шундай айбдор муҳолифат ҳаракатининг яна икки аъзосига ҳам қўйилди.

● БМТнинг тараққиёт Дастури мадади билан яқин олти ой ичида 20 минг афгон иш билан таъминланди. Янги лойиҳанинг биринчи босқичи бошланган мактаб қурилиши ва Қобулдан узоқ бўлмаган қишлоқда бошқа иншоотларни бунёд этиш бўлади. Япония томонидан молиялаштирилган лойиҳанинг умумий қиймати 3 миллион долларни ташкил этади.

● Мексикада қашшоқликка ёрдам кўрсатиш масалаларига бағишланган БМТ конференцияси давом этмоқда. Конференция Мексика Штатларининг энг бой пойтахтидан бири Монтерей шаҳрида бўлиб ўтмоқда.

● БМТ маълумотларига қараганда, ҳозирги пайтда ер юзюда 1 миллиард 200 минг қашшоқ яшамоқда. БМТ 12 йил мобайнида ушбу рақамни икки бараварга қисқартиришни режалаштирмоқда. АҚШ ушбу мақсадлар учун бир йилда 3 миллиарддан зиёд долларни, Европа мамлакатлари эса салкам 7 миллиард долларни ажратиш мажбуриятини олган.

● АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Перуга уюштиражақ ташрифи арафасида Американинг Лимадаги элчихонасида портлаш юзи берди. Портлаш оқибатида 9 киши ҳалок бўлди, ўнлаб киши жароҳатланди. Норозиликларга қарамай Жорж Буш барибир Перуга боришни режалаштирган.

● **Бугун** — Халқаро об-ҳаёт кун.

● Италияда меҳнат вазирининг маслаҳатчиси Марко Бьяки террорчилар томонидан ўлдирилиб кетилди.

● Индонезиянинг собиқ Президенти Суҳартонинг 6 фарзандининг кенжаси олий суд судьясини ўлдиришни уюштириш ва ноқонуний тарзда қуролни эгаллаганликда айбланмоқда. Шу муносабат билан у Жакартадаги судда кўргазма берди. Ана шу жиноятларнинг ҳар бири учун ўлим жазоси берилди.

● Қуддус марказида қучли портлаш рўй берди. Шунинг оқибатида 5 киши ҳалок бўлди, 40 киши жароҳатланди, шулардан 7 нафарининг аҳоли оғир.

● АҚШ жанубида юз берган сув тошқини оқибатида 7 киши ҳалок бўлди, минглаб кишилар бошқа жойларга қўчирилди, ўнларча минг киши чироксиз қолди. Об-ҳаво маълумотлари билан шугулланувчи мутахасссларнинг фикрича, яқин кунлар ичида сувнинг босими кўтарилиши кўтилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар! Авааламбор, сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни бугунги эзгулик ва нафосат айёми — юртимизга кириб келган Наврўзи олам билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Хурматли дўстлар! Дунёда нишонланганидан ҳар бир байрамнинг ўзига хос ва ўзига мос фалсафаси, турли халқлар ва мамлакатлар ҳаётида тутадиган ўрни ва аҳамияти борлигини ҳаммамиз яхши билмаз.

Лекин ана шу Гўзал ва бетакроор байрамлар орасида Наврўз айёми ўзининг кўрку таровати, маъно-маъмуни билан алоҳида ажралиб туради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу қўлғу ва хосиятли кун ҳақида узоқ гапириш, уни кўп-кўп таърифлаш мумкин. Наврўз — биз учун, аввало, энг қадимий, асл миллий, гоёат ардоқли байрамимиздир.

Наврўз — биз учун баҳор ва уйғониш, яшариш ва янгилашиш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир. Наврўз — биз учун асрлар давомида халқимизнинг онгу тафаккурига, руҳиятига, бутун ҳаётига беқиёс таъсир ўтказиб келадиган бетакроор, ўзига хос бир оламдир.

Наврўз — биз учун ўзаро меҳр-оқибат, кадр-қиммат, хайру саховат рамзидир. Мана шундай шуқули дамларда ҳар қайси инсон табиатдан баҳра олиб, оламга бағрини кенг очиб, ўз қалбидан энг эзгу туйғу ва тилакларини, орзу ва умидларини юзага чиқариш, ҳаётга, ота-онаси, дўсту биродарларига бўлган меҳру муҳаббатини изҳор этишга интилади.

Бугун мен ҳам кўпчилик қаторида сиз азизларимга, барча юртдошларимга ўзининг тилак-даъватларини, қалбиданги самимий истақларини билдиришмоқчиман.

Аввало, табиат уйғонаётган, юртимизда Наврўз руҳи, Наврўз мўъжизаси намоеён бўлаётган шу ёруғ кунларга эсон-омон етказгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз лозим.

Мана шундай дақиқаларда атрофдаги табиатнинг нақадар гўзал ва бетакроор, бу фусункор ҳаётнинг нақадар бебаҳо неъмат, улғу бахт эканини ҳар қайси инсон яна ва яна бир бор ҳис этиши табиийдир.

Ўз яқинларимизнинг қадрига етиш, ён-атрофимиздаги одамлар, маҳалла-қўй, элу юрт билан баҳамжихат, меҳр-оқибатли бўлиб, бир-бирига қалб қўрини бағишлаб яшашнинг, содда қилиб айтганда, ҳаётнинг нақадар ганимат эканини яна бир қарра англашга даъват этмоқчиман.

Кундалик турмушда учраб турадиган гина-аламларни юракда олиб юрмаслик, кечиримили бўлиш, ҳар қандай вазиятда ҳам ёруғ кунлар умиди билан, эртанги кунга ишонч билан яшаш — Наврўзи оламнинг ўзи бизларни чорлайдиган бир аломат, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Яшилликка интилиш, бизга ато этилган умрининг ҳар лаҳзасини эзгулик йўлида сарфлаш, бир-биримиздан меҳр-муҳаббатимизни яямаслик — бу ҳам инсондан катта мардлик, бағрикенглик ва олижаноблиқни талаб қилади.

Менинг тилагим шуки, ана шундай кайфият билан яшаш, ана шундай юксак фазилатларга эга бўлиш учун барчамиз доимо ҳаракат қилишимиз даркор.

Айниқса, етим-есир, бева-бечоралар, муҳтож бўлиб яшаётган одамларга меҳрибонлик, саховат ва мурувват кўрсатиш, сабов ишни ҳар кун қилиш керак, сабов ишни ҳар ким қилиши керак, деган ширимизни мана шу кунларда янада кўпроқ амалий ишлар билан исботлашимиз лозим.

Биз дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган янги ҳаёт, эркин ва фаровон турмуш барпо этиш йўлида кейинги ўн йил давомида қанча-қанча довлардан ўтдик.

Бошимизга тушган не-не машаққатли синовларни енгиб, ўзимиз учун хулоса ва сабоқлар чиқариб, бизни қуролмайдиғанларни доғда қолдириб, дўсту биродарларимизни қувонтириб, шу кунларга етиш келдик. Мен мана шу хосиятга айёмда бир ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур англаб олишимизни истардим. Яъни, инсон, оила ва жамият, авлод ва миллат тақдири, бугунги ва эртанги бахту саодати, ёруғ ва буюк келажаги барчамизнинг қўлимизда.

Ва бу олижаноб мақсадларга етиш бизнинг ҳаракатимиз, шижоатимиз, куч-қудратимиз, аҳилигимиз ва бирдамлигимизга боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Қадрли дўстлар! Наврўзи оламнинг яна бир шарофати борки, у ҳам бўлса, бу байрамнинг одамларни, бутун жамиятни бирлаштирувчи кучида намоеён бўлади.

Узингиз бир қаранг, азиз дўстлар, биродарлар, бугунги мана шу улкан даврада қайси элат, қайси миллат вакили йўқ?

Шу кунларда барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бепоён дашту далалар ва қир-адирлар бағрида, бутун юртимизда яшаётган ватандошларимиз — миллиати, тили ва динидан қатъи назар, Наврўзи баҳор ва хурсандчилик байрами сифатида нишонлаши бугунги ҳаётимизнинг ёрқин тимсолига айланган қолганининг шохиди бўлиб турибмиз.

Келинг, дўстлар, бугун ушбу шодиёнамизга ташриф буюриб, унда иштирок этаётган барча чет эллик меҳмонларимизни, хоржий элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларини бутун халқимиз номидан Наврўз айёми билан яна бир бор самимий табрик этайлик ва уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни билдирайлик.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз юртдошларимизнинг байрамона очик чеҳрангизга боқиб, узоқ ва яқин ҳудудлардан барчангизга йўлланган самимий тилак ва қизгин саломларни, жаҳон ҳамжамиятининг Ватанимизга нисбатан билдираётган, тобора ортиб бораётган ҳурмат-эҳтиромни, эътироф ва ишончини етказмоқчиман.

Ва сиз, қадрли ватандошларимга, сиз орқали бутун халқимизга яна бир бор таъзим қилмоқчиман.


Азиз дўстлар! Мана шу мусаффо Наврўз тонгида, Алишер Навоий бобомизнинг муборак номи билан аталган мана шу гўзал боғда туриб, айтмоқчиман: Аввало, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлиб, Йиллимиз қўлғу келиб, дарёларимиз сувга, омборларимиз ҳосилга тўлсин.

Оиласи, эл-юртининг ризқини ўйлаб, белни маҳкам боғлаб, қадрдон даласига йўл олаётган захматқаш деҳқонларимизнинг омадини берсин. Ҳар бир хонадон, ҳар бир шаҳар ва қишлоғимиз, бутун Ўзбекистонимизни файзу барақа тарқ этмасин.

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Бунёдкор халққа байрамлар ярашади



Тошкент. 2002 йил 21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ўтказилган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Диёримизда фасли баҳор. Табиатнинг, борлиқнинг уйғониш палласи. Офтоб нуридан баҳра олаётган она заминимиз ям-яшил майсалар, ранг-баранг гул чачақлар билан безанган. Дов-дарахтлар ҳам гулга бурканган. Бободоҳон яхши ният билан ерга уруғ экапти. Ўлкамизда улғу айём, кут-барақа элчиси — Наврўз шуқули кезаётди. Барчанинг чеҳрасида яшариш, янгилашиш, бунёдкорлик кайфияти зоҳир.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона либосда.

Мамлакатимизда Наврўз шодиёналари ҳар гал пойтахтимизнинг ана шу сўлим маскандан бошланади. Бу ерга Қорақалғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хоржий меҳмонлар ташриф буюрган.

Маъмуа ўртасида барпо этилган улкан сахна ва унинг атрофида ҳофизлар, раққосалар, дорбозлар, чавандозлар, полвонлар, цирк артистлари, хунарманду усталар, чеварлар, қўйинчи, барча қадимий ва замонавий касб эгалари ўз маҳоратини намойиш этишга чоғланган.

Соат 10. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам

Каримов кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини барча ўридан туриб, давомли қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов мусикаси байрам тантаналари бошланганидан дарак беради.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари юртимиз фуқароларини умрбоқий байрам — Наврўзи олам билан самимий кутлар экан, унинг тимсолида халқимизнинг ўзига хос маънавияти, ўтмиши, қадимий қадриятлари, миллий урф-одатлари, анъана ва удумлари тобора шаклланиб, ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Диёримизда бу айём қадим-қадимдан ҳаммаша меҳр-оқибат, мурувват, саховат ва бунёдкорлик байрами сифатида нишонлаб келинган.

Президентимиз кўп миллатли мамлакатимиз фуқароларининг бирдамлиги, дўстлиги, иноқлиги ифодасига айланган қолган Наврўз тантаналарининг фазилатларига алоҳида тўхтади.

Майдон узра табиатнинг уйғониши — Наврўзи оламни мадҳ этувчи майин наво таралади. Мусикий оханларга жисми жонимизни ориқтириб фасли баҳор ҳамзалари, қуш-

лар чўғур-чўғури, сувлар жилдираши уйғунашиб кетади. Майин куй оғушида кўз ўнгимизда табиатимизнинг бетакроор фасллари — ёз, куз, киш, баҳор манзаралари намоеён бўлади, турфа гуллар юз очади, булбуллар хонши қилади.

Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди. Карнай-сурнай садолари остида сахнага шириндан-шакар болақайлар қуршовида нуруний Бобо ва Момо кириб келади. Эзгуликка талпинаётган кичкинтойларнинг шўх-шодон қулғилари, жарангдор куй-қўшиқлари, жозибали рақслари кишини беҳиётёр ўзига ром этади.

Айниқса, уларнинг қариялар билан қурган ўғитларга бой сўхбати барчага бирдек завқу шавқ улашади. Бу бежиз эмас, албатта. Халқимизда кексалар ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг дуосини олиш эзгу фазилатлардан биридир. Юртбошимиз ташаббусига биноан 2002 йил мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилинган замирида, шубҳасиз, ана шу ўзбекна донолик мужассам.

Шу боис бу тантаналар табиатнинг ранг-баранглиги, баҳор нашидаси, янги кун ва янги йилни олқишлаётган юртининг нашуу намолари халқимизнинг юксак руҳияти, бунёдкорлик кайфиятини яққол намоеён этади.

(Давоми 2-бетда)



БУНЁДКОР ХАЛҚҚА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундай байрамлар учун шунга яраша сабаб, ютуқлар ҳам бўлиши керак. Бизда эса бундай тантаналарга яраша улкан ютуқлар талайгина. Истиқлол йилларида эришган муваффақиятларимизнинг барчасини санаб ўтиш учун анча вақт керак. Шу боис фақат ўтган йилги Наврўздан бу йилги байрамгача бўлган даврда амалга оширилган ишларнинг, эришилган ютуқларнинг баъзиларини эслаб ўтишимиз ўзигина мамлакатимизда улкан тантаналар учун етарли сабаблар борлигини яққол кўрсатиб беради.

Хусусан, ўтган йили халқимизнинг бебаҳо маънавий мероси — «Авесто» китобининг 2700 йиллиги халқро микёсда кенг нишонланди. Қашқадарёда умумий қиймати қарийб 1 миллиард АҚШ долларига тенг, саноатимиз қурагини оширишга улкан ҳисса қўшадиган Шўртан газкимё мажмуи фойдаланишга топширилди. Асакадаги автотомобиль заводи конвейерларидан эса «Матиз» русумли янги машина чиқа бошлади. Бир неча йриқ тўқимачилик корхоналари ишга туширилди.

Фахрланасак арзийдиган бундай қувончли мисоллар саногини яна давом эттириш мумкин. Мана шундай муваффақиятларга эришган ва эришаётган халқ улкан байрамлар, тантаналар ўтказишга минг қарра ҳақлидир.

Бу йил мамлакатимизда қадимдан яшил диёр номи билан маълум ва машҳур Шахрисабаннинг 2700 йиллиги кенг нишонланди. Саҳнада ҳамиша навқирон ушбу шаҳарнинг тарихий қиёфаси Оксарой сиймосида намён бўлади. Қашқадарёлик санъаткорларнинг миллий урф-одатлари, расм-русумларга бой «Бетакор» чиқишлари виллоятлар бадий жамоаларининг концерт дастурларини бошлаб беради. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардан келган бадий жамоалар, ҳаваскорлар би-

рин-кетин ўз санъатларини намойиш этадилар.

Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойба кўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови, лаган ўйини, дорбозлар, масхара-бозлар, кўйроқбозлар, полвонлар санъати ва спорт мусобақалари уйғунлашган улкан театр томошаларида эса миллий қадриятларимиз, қадимий удумларимиз Наврўз билан ниҳоятда чамбарчас эканлиги тараннум этилади.

Қўлдам наволари мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар миллий маданият марказларининг байрам дастурларида янада татанроқ мазмун-моҳият касб этади. Зеро, Наврўз дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳам ўзига хос шодиёнаси.

Замонавий миллий эстрада-мюзиклининг чиқишлари ҳам аждодларимиз меросига садоқат, кексаларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат руҳи билан байрам шодиёналарига ўзгача фойз киритди. Мазкур чиқишларда эстрада жанрида ижод қилаётган санъаткорларнинг ижро маҳорати ва сўзга масъулияти сезиларли органлиги кўзга ташланади. Буни Вазирилар Маҳкамасининг ўтган йили эстрада санъатини ривожлантиришга қаратилган қарори самараси сифатида баҳолаш мумкин.

Шу ўринда санъатимиз тарққиётига бекиёс ҳисса қўшуви яна бир омилни эслаб ўтиш ўринли. Наврўз арафасида Тошкентда консерваториянинг янги биноси қурилиши ниҳоятда етди. Президентимизнинг ташаббуси ва эътибори самараси бўлган бу санъат қошо-наси мамлакатимизда миллий ва жаҳон мумтоз мусикаси ривож учун, иқтидорли ёшлар санъатининг бу нафис турини чуқур ўзлаштириши учун барча шароит яратилаётганига яна бир далолатдир.

Наврўз байрамини халқ хўнамандлари кўргазмасини ташкил этиш яхши анъанага айланган. Бу гал ҳам миллий боғнинг каттагина қисми



хўнамандлик махсулоти ранг-баранг намуналари билан зийнатланган. Улар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг нафис диди, сержило касб-кори, бой маданият-маънавий мероси ва юксак санъати ифодаси.

Байрам томошаларидан кейин Президент Ислом Каримов ана шу кўргазмани кўздан кечирди.

— Наврўз бошқа байрамлардан тубдан ажралиб туради, — деди давлатимиз раҳбари шу ерда журналистларга берган интервьюсида. — У жуда қадимий ва ҳақиқий миллий байрамимиздир. Халқимиз бундан минг йиллар муқаддам ҳам Наврўзни нишонлагани тўғрисида «Авесто» китобида маълумотлар берилган. Мен Наврўзни умид, ишонч ва хурсандчилик тисоли, деб биламан.

— Шу дамда Навоий ҳазратларининг «Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз» деган сўзлари ёдига тушади, — деди Ислом Каримов. — Ҳақиқатан ҳам, бугунги байрам кунларида кишиларнинг, айниқса, болаларнинг юзидagi кўтаринки руҳ ва кайфиятни кўриб, барча

фўқароларимизнинг ҳар бир кун шундай шодиёналарга бой бўлишини Яратгандан яна бир бор сўрайман. Бизнинг бугунги кунимиз кечасидан ёруғроқ эканлигини ҳамма кўриб турибди. Мен ишонаманки, эртанги кунимиз бугунгисидан кўра минг қадон нурафшон ва фаровон бўлади. Шундай байрамларни юқори руҳ ва кўтаринки кайфиятда ўтказадиган халқ ҳеч қачон, ҳеч қимдан кам бўлмади.

Давлатимиз раҳбари 2002 йил мамлакатимизда барча соҳаларда улкан ўзгаришлар йили бўлишини, бунинг учун етарли асослар борлигини алоҳида таъкидлади.


Пойтахтимизда бошланган байрам тантаналари нафақат юртимиз шаҳар ва кишлоқларида, балки хорижий мамлакатларда ҳам давом этади. Бундай дейишимизга сабаб бор, албатта. Истиқлолга эришганимиздан бун дунёнинг ўнлаб давлатларида Ўзбекистоннинг элчионалари, ваколатхоналари фаолият кўрсатиб келяпти. Табиийки, ўша жойларда ҳам Наврўз тантанга қилинади.

Байрамга ташриф буюрган юзлаб, минглаб хорижлик меҳмонлар Наврўз таомларидан баҳраманд бўлади, халқимизга хос миллий урф-одатлар билан танишади. Бу каби тадбирлар юртимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори, нуфузи ортишига муҳим омил бўлади. Қолаверса, Тошкентдаги Наврўз байрами кўплаб хорижий мамлакатларда телеканалларида олиб кўрсатилади. Шу баҳонада олам аҳли бунёдкор халққа мана шундай улкан тантаналар яратишига яна бир бор ғувох бўлди.

Наврўз шодиёналари, айтиш мумкинки, халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан ютуқлари, юрт тинчлиги, мамлакат тарққиёти, эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган эзгу ишларининг ўзига хос бадий-музикий намойиши бўлди.

Миллий боғдаги байрам тантаналари мушакбозликка уланиб кетди.

Анвар КАРИМОВ,
Ўтган ДЎСТЕР,
ЎЗА мухбирлари.



Ҳамшаҳарларимизга бир олам қувонч бағишлади

Гўзал ва шухули байрамимиз Наврўзи олам тантаналари бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг ва кизгин нишонланмоқда. Дилларда, тилларда Наврўз кўшиқлари, алёблари янграмоқда. Кеча пойтахтимизнинг энг хушманзара гўшаси — Алишер Навоий номили миллий боғда, шунингдек бошқа маданият ва истироҳат боғларида, сўлим масканларда бўлиб ўтган байрам шодиёналари, турли-туман томошаю халқ сайиллари халқимиз қалбига олам-олам қувонч, ажиб шуху бағишлади. Жумладан, шаҳримизнинг барча туманларида ҳам Наврўзи олам тантаналари шодиёна руҳда ўтди.

Акмал Икромов туман ҳокимлиги биноси ҳовлисида карнай-сурнай наволари янграб аҳолини байрам тадбирига чорлади. Бу ерга самарқандлик меҳмонлар ҳамда маҳаллар фаоллари, нуруний отахон онахонлар ташриф буюрдилар. Меҳмонлар учун дастурхон ёзилди, баҳорий неъматлар — сумалак, ҳалим, кўк сомса-у чучваралар ҳамда ош тортилди. Байрам тадбирида иштирок этган сеvimли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар, дилрабо рақслар даврга ўзгача фойз киритди. Шунингдек, Акмал Икромов боғида, Журжоний, «Учтепа», Акмал Икромов номили маҳалларда ҳам Наврўз шодиёналари кизикарли ранг-баранг томошалар ва куй-қўшиқлар билан ўтиб, барчанинг қалбига завқ-шавқ бағишлади.

Бектемир туманида халқ сайиллари ва байрам тадбирлари ўтадиган асосий майдон — Красничикий номидаги стадион қўшқонланди. Бу гал ҳам туман меҳмонлари ва аҳолиси 21 март кун Наврўз байрамига бағишланган катта байрам дастурини мириқиб томоша қилдилар. Эрталабки соат 10 да бошланган байрам томошалари то оқшомга қадар давом этди. Унда маданият уйларининг бадий жамоалари ҳамда барча мактабларнинг ўқувчилари ўз санъатларини намойиш этишди. Стадионга йиғилганлар қўшиқ ва рақслардан ташқари кураш, тош кўтариш, таэквандо, каратэ билан шуғулланувчи ёш спортчиларнинг чиқишларини мароқ билан кузатишди. Бироқ бектемирликлар ёдида Наврўз айёмида ўз қўшиқ, рақс, урф-одат, миллий либос ва таомларини намойиш этган миллий-маданият марказларининг кичик фестивали узоқ вақт сақланиб қолишига шубҳа йўқ.

Ҳа, шу кун стадионда варрақлар танлови каби кўплаб кизикарли танловлар ҳам ўтказилди. Энг муҳими, байрамга йиғилганларнинг бари баҳор элчиси бўлмиш хушбўй сумалакдан татиб кўришди.

Мирзо Улугбек туманидаги 101-шаҳар ихтисослаштирилган мактаб-интернати

га меҳмонлар куруқ келмадилар, тантанали йиғилиш ва байрам концертидан кейин сумалакдан татиб кўрган болажонларнинг ҳар бирига алоҳида совага топширилди.

Болаларни ногиронларга кўмадашиш «RUMIT-INVAL» жамияти ходимлари юмшоқ уйинчоқлар, конфет, ўқув қуроллари ва бошқа нарсалардан иборат совага тўғилмалари билан қўладилар. Уйил ва қиз болалар учун кийим-кечақларни совага қилган Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг туман бўлими ходимлари ҳам улар кўнглига қувонч бахш этишди.

Миробод туманидаги «Кўйлик-4» даҳасида жойлашган «Мирободчи» стадионида ўтказилган катта байрам тадбирида 2 мингдан ортиқ меҳмонлар учун дастурхон безатилди. Санъаткорлар ижросидаги Наврўзи оламини мадҳ этувчи куй-қўшиқлар меҳмонлар қалбига бир олам завқ бағишлади. Байрам тадбирида маҳалла ва мактабларда ўқувчилар томонидан тайёрланган халқ хўнамандчилиги буюмлари, миллий либослар кўргазмалари ҳам намойиш қилинди. Наврўз шодиёналари тумандаги Фурқат номили боғда, «Оқ уй», «Олтин кўл», «Сарикўл», Маҳкам Мерганов номили маҳалларда ҳам ана шундай қизгин ва шодиёна руҳда ўтди.

Сергели туманида ҳам Наврўзи олам тадбирлари жойларда мароқли ва кўтаринки руҳда ўтказилди. Жумладан, маданият ва истироҳат боғида, 12-автобус саройи акциядорлик жамиятида, «Умид» ногирон болаларни соғломлаштириш реабилитация маркази ҳамда «Янги ҳаёт», Жомий номили маҳалларда байрам тадбирлари ранг-баранг дастурлардан иборат бўлиб, кўнгличар сайиллар туман аҳлига завқ-шавқ бағишлади. Байрам дастурхони учун тайёрланган сумалагу ҳалимлар, кўк сомсалар меҳмонларга баҳорий хуш кайфият бахш этди. Шунингдек, маҳалларда истиқомат қилувчи кам таъминланган, ёлғиз қарияларга ҳомийлар томонидан меҳр-мурувват, саховат кўрсатилиб, байрам совғалари улашилди. Байрам шодиёналарида айниқса жойларда ташкил қилинган спорт мусобақалари кўпчилигининг диққатини ўзига тортиди.

Собир Раҳимов туманида ўтган байрам шодиёналари бутун ҳудудни қамраб олди. «Оймома» боғининг қираверишида карнай-сурнай садолари туман аҳлини ва меҳмонларни халқ сайлига чорлади. Сайилда сеvimли санъаткорлар, бадий ҳаваскорлик жамоалари ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари ва гўзал рақслари билан қатнашчиларнинг кўнглиларига олам-олам қувонч, шодлик ва баҳорий илиқлик бағишладилар. Шунингдек, мазкур боғда байрам савдолари

уюштирилиб, сайил иштирокчилари учун турли-туман ширинликлар, ранг-баранг музқаймоқлар ва болажонлар учун уйинчоқлар савдоси ташкил этилди.

Талабалар шаҳарчасидаги «Ёшлик» стадионида ҳам халқ сайли ўтказилди. Бу ерда таниқли хонандалар ҳамда ҳаваскор жамоалар иштирокда концертлар, ёшларга хос турли спорт уйинлари уюштирилди. Шунингдек, «Қорасарой», «Кулол» каби кўплаб маҳалларда байрам кун дошқўзонларда сумалаклар қайнатилиб, ош дамланди, тўкин-сочин дастурхон атрофида барча Наврўз тантаналарини шоду хуррамлик билан ўтказди.

Ажойиб анъанага мувофиқ Наврўз байрамини хайрия тадбирларига ўз ҳиссасини қўшишга нафақат ноғижорат ташкилотлари, ҳукуматга қарашли бўлмаган жамғармалар, балки меҳнат жамоалари ҳам астойдил бел боғлайдилар. Улар қаторида **Чилонзор туманидаги** «Зантори экран» акционерлик жамияти ҳам бор.

— Наврўз байрами кун биз фахрийлар, оқсоқоллар, энг яхши ишчиларни қўтладик, — дейди акционерлик жамияти бошқарувининг раиси Бахтиёр Абдумажидов, — учта уруш ногиронига 5 минг сўмдан маблағ ажратдик. Умумшаҳар ҳашари пайтида ишлаб топилган 30 минг сўмлик маблағ ҳисобига кам таъминланганлар, ногиронлар, яқка-ёлғизларнинг телевизорларини тузатиб беришга қарор қилдик.

Наврўзни қутиб олар экан «Зантори экран» АЖ жамоаси кўрсатиладиган хизмат турлари, ёш усталарни тайёрлаш курслари ишини янада кенгайтириш билан боғлиқ режаларни кўзга тутмоқда.

Шайхонтоҳур туманининг «Тинчлик», «Жангоҳ», «Боғ кўча» каби маҳалларидagi кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кишиларга ва Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан кекса табаруқ онахоноталарига саховат, меҳр-мурувват кўрсатилиб, уларга боқий байрам Наврўзнинг совға-саломлари тарқатилди.

Барака, оқибат байрами саналмиш Наврўзи олам тантаналарида гўзал, дилтортар, шўх-шодон куй-қўшиқлар янгради. Йиғилганлар рақсларга тушиб, байрамни завқ-шавқ-ла нишонладилар.

Юнусобод туманида ҳам Наврўзи олам шодиёналари жуда кўнглили ўтди. Эрта тонгданок янги барпо этилган боғ, Олой бозорининг очиқ майдонлари, Тошкент ҳайвонот боғидан янграган карнай ва сурнай садолари барчани байрам тантаналарига чорлади. Маданият уйлари рақс жамоалари, ансамбллар концерт дастуридан баҳраманд

бўлиб, сумалак ва бошқа баҳорий таомлардан татиб кўриш учун ушбу гўшаларга ёш қари ташриф буюрди.

Кам таъминланган оилалар фарзандлари учун эса ҳайвонот боғида қизикарли концерт томоша қилиш имконияти яратилди.

Байрам шодиёналари «Бодомзор», «Дўстлик», «Янги ҳаёт», «Чинор» маҳалларида ҳам бўлиб ўтди. Байрамни кўнглидагидек ўтказиш учун туман ҳокимлиги икки миллион сўм маблағ ажратди. Шуниси қувонарлики, Фиёс Умаров маҳалласи аҳли Наврўзни «Миссисипи» фирмаси ёрдамида қурилган янги гузарда қутиб олди.

21 ва 31-мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари Ҳасанбой кўргонида 16 ёшгача бўлган ногирон болалар, 80 ёшдан юқори бўлган 50 нафар пенсионерларга совғаларнинг топширилишини ҳам байрам хайрия тадбирлари сифатида тилга олиш мумкин.

Яккасаройликлар ҳар йили Наврўз байрамини қадимий ва эзгу урф-одатларимизга мос равишда қутиб олишга одатланганлар.

Бу йил ҳам байрам кун тумандаги 17 та маҳалланинг ҳар биттасида дастурхонлар ёзилди, сумалак, ош ва баҳорий таомлар тортилди. Мурувват ва саховат кўрсатиш Наврўзнинг энг яхши анъаналаридан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда яқка-ёлғиз, кекса кишилар, кам таъминланган оилалар эътиборидан четда қолмади. Туман ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари уларга 3 миллион 300 минг сўмлик байрам совғаларини топширдилар.

Асосий халқ сайиллари эса Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Бу ерда учта саҳнада ўзбек эстрадаси юлдузлари, бадий ҳаваскорлик дасталари, миллий рақс ва хореография олий мактабининг ўқувчилари эрта тонгдан то оқшомга қадар ўз санъатларини намойиш этишди.

Ҳамза туманида шакланган анъанага кўра Авиасозлар маданият саройи олдидаги майдонда асосий байрам тантаналари ўтказилди. Бу гал у Наврўз байрамига юз фойз тахт қилинди. Зеро, янгилиниш байрами олдида ўтказилган умумхалқ ҳашарида ушбу майдонда кенг қўламдаги кўкаламзорлаштириш ва ораслашган ишлари бажарилди.

Байрам кун авиасозлар маданият саройи олдидаги майдонга беш мингдан ортиқ меҳмонлар ташриф буюриб баҳор байрами шодликларини ўзаро баҳам кўришди. Шаҳарнинг энг яхши ижодий жамоалари майдонда туман аҳлини шўх-шодон қўшиқ ва рақслари билан хурсанд қилишди. Тўкин дастурхон атрофидан ўрин олган оқсоқоллар эса миллий-маданият анъаналаримиз тикланиши юзасидан ширин сўхбат қуришди.

(Ўз мухбирларимиз)



СУРАТЛАРДА: Наврўз байрами тантаналаридан лавҳалар. Абдувоҳид Тўраев олган суратлар.

НАВРУЗ АЙЁМИДА

*янада гўзаллашган азим
пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларини
табриклардан бахтиёрмиз.*

Азиз ҳамшаҳарларга
сизқидилдан хизмат кўрсатиш
ҳар биримизнинг қалбимизга бир
олам завқ-шавқ бағишлайди.

*Сизларга тинчлик
ва хотиржамлик,
сиҳат-саломатлик,
оилавий фаровонлик,
рўзгорингизга кўт-барака,
ши фароиятингизда кайта
зафарлар тилаймиз!*

**Тошкент шаҳар
«Матбуот тарқатиш уюшмаси»
акциядорлик жамияти
меҳнат жамоаси**

